



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 10 ноябрь 21 (424)-сон

hamkor.press@mail.ru



Келажак сари дадил қадамлар

Муқомжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ҚАЛБЛАРДАГИ МАЪРИФАТ



Бир одам кўшнисидан
сўрабди:

— Сиз китоб
ўқийсизми, лоақал газе-
тами?

— Йўқ, умуман
ўқимайман. Бунга ёмон
тарафи йўқ. Менга сезил-
майди, - дебди кўшниси.

Шунда ҳалиги одам:

— Лекин, бизга сези-
лади, - деб жавоб берган
экан.

Инсон тафаккури ва
сўзлашиш одобида акс
этади унинг маънавияти,
маданияти. Бугун бироз
мутолаа оқсаётган бўли-

ОБУНА — 2023

ши мумкин, лекин бу
ҳамма китоб ёки газе-
та ўқимайди, дегани
эмас. Бу борада фахр
билан айтиш мумкинки,
"Hamkor press" газетаси-
нинг ўз ўқувчилари бор.

Газетамизга 2023
йил учун обуна жараё-
ни давом этаётган айти
лаҳзаларда "Hamkorbank"
АТБнинг Кўқон филиали
ходимлари ва мижозла-
ри ўрнатилган бўлмоқда. Улар
"Hamkor press"га ҳурмат
билан қарашади. Ўз

соҳасининг билимдонла-
ри ва ҳар бир ишда наму-
на кўрсатаётган жамоа
нашримизга обуна
бўлишда ҳам биринчи.

— Шаклу шамо-
йили ва мазмуни сод-
да, аммо айтиш шун-
далиги боис мафтунок
сўзлар ила ёзилади-
ган мақолалар асноси-
да дўстлар суҳбатидан,
замонавий банк ҳаёти
билан боғлиқ иқтисодий
янгиликлар, турмуш чиз-
гилари, қадимий фалса-
фаю ўзбек халқига хос
нақллар ва тушунчалар
ҳақида танишиб бора-
миз. Яна биз учун тажри-
ба мактаби вазифасини
ҳам бажаради, — дейди
филиал бошқарувчиси
Аброржон Раҳимов.

Газетамизни тарғиб
қилишда яқиндан ёрдам
бераётган филиал ходим-
лари Шерзодбек Аву-
лчаев ҳамда Элмурод
Қодировлардан миннат-
дормиз.

Мутолаа завқини туй-
ганлар ҳар вақт ўқиган-
га, ўрганишга ошиқадилар.
Ижодий жамоамиз бу
йўлда ҳамisha сиз билан
бирга!

ТАҲРИРИЯТ.



Ўзбекистон нафаси

* Академик В.Воҳидов
номидаги Республика ихти-
сослаштирилган хирургия
илмий-амалий тиббиёт
марказида ўзбек хирургияси
тарихида илк бор бир пайт-
нинг ўзида юрак ва бўйракда
ноёб операция ўтказилди.

* Кузнинг бошидан бери
Ўзбекистон бўйича жами 13
млн. донадан ортиқ кўчат-
лар экилди ва уларнинг 71,1
фоизи "Яшил макон" элек-
трон платформасига кири-
тилди.

* Finance Inquirer нашри
болаларни мактабга-
ча таълим муассасалари-
га жалб қилиш бўйича энг
яхши динамикага эга бўлган
дунёдаги энг пешқадам 10
та давлатни эълон қилди.
Ўзбекистон жаҳон рейтинг-
ида биринчи ўринни эгал-
лади.

* Келаси йил 1 январдан
Ўзбекистон ОТМларидаги
жисмоний тарбия ва спорт
йўналишларида Паҳлавон
Маҳмуд номли давлат сти-
пендияси жорий қилинади.

* "Yangi Nafas": 13 ноябрь
куни юртимизнинг 15 та
шаҳрида бир вақтда омма-
вий югуриш мусобақасига
старт берилди.

* Тошкентдаги Ғалаба
боғида Ленинград монументи
қурилади. У қамалдаги
Ленинграддан эвакуация
қилинганларни қабул қилган
ўзбек халқига миннатдор-
лик белгиси сифатида ўрна-
тилади.

* "Ўзтўқимачиликсаноат"
уюшмасига камида 50 хил
турдаги янги маҳсулотларни
маҳаллийлаштириш бўйи-
ча вазифа қўйилди. Бундай
лойиҳалар учун тижорат
банкларига 100 миллион
доллар, гиламчилик учун 50
миллион доллар маблағ жой-
лаштирилади.

* Ўзбекистон ва Тур-
кия ўрмонлар яра-
тишида ҳамкорликни йўлга
қўймоқда.

Бу сонда:
3-6ет
**БАЙРАМДАН
БАЙРАМГАЧА**

Янги марралар
4-6ет
**ЙЎЛИДА
ИЗЛАНИШДАМИЗ,**

— дейди Бухоро филиали
бошқарувчиси.

8-6ет
**КЎКАЛДОШ
МАДРАСАСИ**



ПАРРАНДАЛАРГА “УЙ ҚАМОҒИ”И ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Англия ҳукумати барча паррандаларни уйдан ташқарига чиқариш тақиқланганини эълон қилди. Бу, парранда гриппи (H5N1) тарқалиши билан боғлиқ.

Буюк Британияда қушларнинг H5N1 билан касалланиш ҳолатлари 2021 йил октябрь ойидан бери қайд этилмоқда. Бироқ жорий йилда инфекциялар сони кескин ошган. Паррандаларнинг уйдан чиқишига қўйилган тақиқ уларнинг ёввойи қушлар билан алоқа қилиши олдини олишга қаратилган. Чунки H5N1 айнан ёввойи қушлар томонидан тарқатилади.

Локдаун товуқ ва ўрдак каби уй паррандалари билан бирга тўтиқуш ёки канарейка каби уйда сақланадиган қушларга ҳам тегишли эканлиги айтилмоқда.

“DILBAR”ДАГИ ҚИММАТБАҲО СУРАТЛАР МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Гамбург (Германия)да полиция санъат асарларини тинтув қилиш чоғида россиялик тадбиркор Алишер Усмоновнинг Dilbar яхтасида аввалроқ бўлган Марк Шагалнинг 30 та суратини мусодара қилди, деб хабар берди Süddeutsche Zeitung газетаси. Унга нисбатан қўлланилган санкциялар муносабати билан Усмонов Германия расмийларини мамлакатдаги мол-мулки, жумладан, ушбу санъат асарлари ҳақида хабардор қилишга мажбур бўлган, бироқ, афтидан, у бундай қилмаган дейилади хабарда.

Газетанинг ёзишича, мусодара қилинган суратларнинг умумий қиймати бир неча миллион еврони ташкил қилади.



1300 ЙИЛЛИК БИТИКТОШ УЧУН МУЗЕЙ ҚУРИЛАДИ

Туркия Мўғулистонда сақланаётган Тўнжук битиктошини муҳофаза этиш мақсадида музей барпо этади.

Туркий халқларнинг умумий бойлиги саналган битиктошни сақлаш мақсадида музей барпо этиш ташаббуси бир неча йил аввал маълум қилинган, аммо пандемия сабаб ортга сурилган эди.

Мўғулистон пойтахти Улан-Батордан 66 км. масофада жойлашган

худудда музей тамал тошини қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Туркия маданият ва туризм вазирлиги хабарига кўра, 20 гектар худудда замонавий концепциялар асосида улкан маданий-сайёҳлик маркази бунёд этилади. Қурилиш ишлари 2024 йилда якунланади.



“Сарой жавоҳири” сериясидаги Тангем роли орқали танилган актриса Ли Ён Э Сеул фожиясида ҳалок бўлган россиялик қизнинг дафн харажатлари учун хайрия қилди.

ТАНГЕМ САХОВАТ КЎРСАТДИ



Тиқилинчда ҳалок бўлган хорижликларнинг 4 нафари 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган россиялик қизлар эди. Ли Ён Э россиялик Юлиана Пакнинг жасадини ватанига етказиш харажатларини тўлади.

Юлиана Пак 2021 йилда Жанубий Кореяга борган бўлиб, боғча болаларига инглиз тилини ўргатаётган эди.

ГЛОБАЛ СОЯБОНГА 170 МЛН. ЕВРО АЖРАТИЛАДИ

Германия ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгариши оқибатларидан ҳалос бўлиш учун 170 миллион евро ажратади. Бу ҳақда Германия канцлери Олаф Шольц Мисрининг Шарм аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конферен-

цияси пленуми олдидан маълум қилди. Олаф Шольц айтган 170 миллион евро иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфлардан ҳимоя қилувчи глобал соябон – Global Shield’ни молиялаштириш учун ишлатилиши керак. Уни яратиш ташаббуси Германия

томонидан жорий йилда G7’га раислик қилган пайтда бошланган эди.

Шарм аш-Шайхдаги конференцияда иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш ва зарарни бартараф этиш бўйича баҳсли масала биринчи марта алоҳида кун тартибига қўйилди.

Бугун инсон саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий тиббий ёрдам билан бир қаторда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини сифатли дори-дармон билан таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда тиббий-ижтимоий йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини ўз вақтида, арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда қабул қилинган “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан аҳоли ва тиббиёт ташкилотларини сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР билан кимлар ва қай тартибда таъминланиши белгилаб қўйилди

Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббий суғурта жамғармаси орқали молиялаштириладиган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилиши белгиланмоқда. Аҳоли орасида тиббий маданиятнинг янада яхшиланиши, тиббий суғуртанинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлиги кенгроқ тушунтирилади.

2023 йил давомида тажриба-синов тарихида беморларни шифохонада дори воситалари ва тиббий буюмлар билан

таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади. Албатта, бу жараёнлар мамлакатимизда инсон қадрли ислохотлардан кўзланган бош мақсад эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Шу билан бирга, беморларда қафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети доирасидаги дори-дармонлардан ташқари қўшимча дори ва тиббий буюмларга эҳтиёж бўладиган бўлса, ушбу хизматлар пуллик асосда шифохонага киради қилинган нархларда амалга оширилади. Бунда, шифохона томонидан харид қилинадиган дори воситаларининг нархи белгилан-

ган улгуржи референт нархларидан юқори бўлмаслиги таъминланади. Ушбу жараёнларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этилишига эришиш мақсадида шифохоналарда дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди бўйича мутахассис лавозимни жорий этилиб, бирламчи зарур бўладиган захиранинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шакллантирилиши таъминланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз-

талари учун дорихоналар томонидан тақдим этиладиган харид чекининг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобиль иловасида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштириш имконияти яратилиши белгиланмоқда.

Матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилганлиги аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақида истеъ-молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига хабар юборилади.

Умуман олганда, қарорда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётимизга тақдим этилиши минглаб беморларга саломатлигини тиклаш жараёнида зарур бўлган дори-дармонлар ҳамда тиббиёт буюмларини ўз нархида харид қилиш, белгиланган тартибда энг зарурий дори воситаларидан тиббиёт муассасалари орқали бепул фойдаланиш имконига эга бўлади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча иш берувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган қуйидаги қоидага амал қилишларини истардим: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади.



Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БАЙРАМ ДАН БАЙРАМГАЧА



натижаларига кўра, Нукус жамоаси биринчи, Жиззах иккинчи, Информацион технологиялар департаменти жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

“Заковат” интеллектуал ўйини Бош банк департаментлари жамоалари ўртасида ўтказиб келинди. Жорий йил 22 октябрда ўтказилган ўйинда “Заковат” интеллектуал клуби асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Абдурасул Абдуллаев бошловчи сифатида иштирок этди. Шу кун А.Абдуллаев билан банк ходимларининг маънавий учрашуви ҳам ўтказилди.

Банк фахрийлари кенгашининг мурожаатига асосан банкда ишлаб, нафақага кузатилган 16 нафар фахрийга юбилей саналари муносабати билан 500 минг сўмдан моддий ёрдам ажратилди.

Банкда ўтказиб келинаётган маънавий соатларда психолог Ширин Мустафаева, тарих фанлари доктори Файзулло Эрнарзоров, тележурналист Бахриддин Қўшмонов, Ўзбекистон Миллий университети доценти Акбар Замонов, профессорлар Муқимжон Қирғизбоев, Абдуллажон Бегматов, телебошловчи Абдурасул Абдуллаев иштирокидаги видеоомлоқотлар фаолиятимизда ижобий самара бермоқда.

Барча филиалларда ходимларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Банк ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида грипп касаллигига қарши вакцинация ишлари учун 75 миллион сўм маблағ ажратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, банкда ишлаётган барча ходимларимизни, фаолларимизни Касаба уюшмалари санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклайман. Уларнинг барчасига узоқ умр, сиҳат – саломатлик, келгуси ишларига муваффақиятлар ва чексиз омад тилайман.

Шукрулло НЕЪМАТОВ,
“Hamkorbank” бирлашган
касаба уюшмалари қўмитаси
раиси.

Республикаимизда 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни деб белгиланганига бир йил бўлди. Мана шу ўтган қисқа давр ичида Банк бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси томонидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Республика миқёсидаги сиҳатгоҳларга 90 нафардан зиёд ходимлар юборилиб, саломатликларини тиклашлари таъминланди ёки ушбу мақсад учун касаба уюшма бюджетидан 116 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Солиштириш учун 2021 йил давомида 72 нафар ходим сиҳатгоҳларга юборилган, ушбу мақсадга 84 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Тизимда ишловчиларнинг фарзандларини ёзги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари учун 38 млн. сўм маблағ ишлатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида деярли барча филиал ходимлари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларга, шунингдек, юртимизнинг соя-салқин ва муқаддас зиёратгоҳларига жамоавий тарзда экскурсия ва саёҳатлар уюштирилди. Жамоат ишларида фаол қатнашаётган 34 нафар ходим Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси томонидан Бўстонликда барпо этилган “Livigstone” дам олиш уйига юборилди.

Ходимларимизни хори-

жий давлатларга сафарга юбориш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам яхши ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу кунига қадар 42 нафар ходим Миср Араб Республикасининг Шарм ал-Шайх шаҳрига дам олишга юборилди. 6 нафар ҳамкасбимиз Тожикистонда уч кунлик саёҳатда бўлиб қайтдилар. Ушбу мақсадлар учун 205 млн. сўм маблағ ажратилди.

Анъанага айланган “Hamkorbank” kubogi учун ташкил этилган мини-футбол мусобақаси, “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови ҳамда “Заковат” интеллектуал ўйинига бўлган қизиқиш янада ортмоқда. Март-сентябрь ойларида ушбу мусобақаларнинг саралаш босқичлари ўтказилиб, финалда иштирок этган жамоалар учун барча зарур шароитлар яратиб берилди.

Жумладан, “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танловининг саралаш босқичлари банкнинг бош офисида, Самарқанд, Марғилон

ва Урганч шаҳрида ўтказилди. Тошкент шаҳрида жойлашган Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театрида бўлиб ўтган финал босқичда Бухоро, Нодирабегим, Шайхонтоҳур, Қувасой ва Хоразм минтақавий жамоалари иштирок этдилар. Белгиланган шартлар бўйича ғолибликни Шайхонтоҳур филиали жамоаси қўлга киритди. 2-ўринни Нодирабегим, 3-ўринни эса Қувасой жамоаси эгаллаб, Банк БКУҚнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Спортнинг мини-футбол тури бўйича ўтказилган “Hamkorbank” kubogi мусобақасининг саралаш босқичларида Нодирабегим, Юксалиш, Нукус, Жиззах, Яккасарой, Юнусобод филиаллари ҳамда Информацион технологиялар департаментининг жамоалари ғолиб бўлиб, 15-16 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган чорак ва ярим финал ўйинларида фаол қатнашдилар. Мусобақанинг финал босқичи



“Hamkorbank” ходимлари
Душанбе шаҳрида

ЯНГИ МАРРАЛАР ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШДАМИЗ,

— дейди филиал бошқарувчиси



Бухоро вилояти марказида йигирмадан ортиқ тижорат банклари ва банк хизматлар марказлари мавжуд. Улар орасида “Hamkorbank” АТБнинг Бухоро филиали ҳам бор. Кўна шахарда рақобатлаша олиш учун “бу майдон ичра туриб берадиган” филиал даражасига етиш осон бўлмади, албатта. Ходимларнинг астойдил меҳнати, изланишлари туфайли эришилди бу хурматга. Бугун ушбу филиал 20 ёшга тўлди. Унинг тарихи, муваффақиятларига назар ташлаш асосида филиал бошқарувчиси Шерзод Мергулов сўхбатига кулоқ тутишни жоиз билдик.

— Филиалимиз 2002 йил

ров, Вазира Гайбуллаева, Феруза Хабибуллаева каби фидойи ходимлар самарали фаолият юритмоқда. Улар каби изланувчан, иқтидорли 80 дан ортиқ ҳамкасбларим банкимизни энг йирик ва намунали филиаллардан бирига айлантириш йўлида изланишда. Мижозларнинг кўнглига йўл топишни, аниқроғи, молиявий тиллашишни билишди ва бу борада сифатли хизмат кўрсатиб, ишончи ва хурматини қозониб келишяпти.

ИШОНЧ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бухоро Халқаро юк ташиш хизматини амалга ошириш бўйича алоҳида ўрин тутди. Айнан транспорт корхоналарига берилган кредитлар орқали бухороликларни иш билан таъминлашга эришилди. Жумладан, фаолиятимизнинг дастлабки вақтларидан ҳамкорлик қилиб келаётган Жамшед Мурадов “Bahor hamkorlik ittifoqi”

хонаси таркибига кирувчи “Bahor chance textile” МЧЖга 2016 йилда асос солинган бўлиб, дастлаб ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2019 йилда корхона негизда пахта етиштириш кластери ташкил этилди ва тўлиқ ишлаб чиқариш занжири яратилди, вилоятда энг йирик корхонага айланди. Ҳозирда унинг ихтиёрида 5 минг гектарга яқин ер майдони бўлиб, пахта етиштириш ва қайта ишлаб толага айлантириш, ип-калава маҳсулотлари олиш каби босқичларни амалга оширмоқда. Жамият фаолияти давомида 20 мартадан ортиқ банк кредитидан фойдаланган. У филиалнинг энг йирик ва муболағасиз ижобий кредит тарихига эга мижоз ҳисобланади.

АЪЛО КАЙФИЯТ, МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Жамоамизнинг ҳамжиҳатлик билан иш юритиши, мақсадлар сари интилишлари муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Бирлик бўлган жойда барака бор. Ишимизга салбий таъсир этувчи ҳолатлар ҳар вақт эътиборимизда. Жамоамизда белгиланган бизнес-режаларни бажариш масъулияти катта. Камчилик ва муаммолар, мижозларнинг эътирозлари зудлик билан ўрганилади ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилади. Иқтисодий ва техник ўқишлар, тестлар, анкета сўровномалари, умуман олганда режали иш ташкил қилиш кўзланган мақсадлар сари одимлашга имкон яратмоқда. Утган 2021 йилнинг

ков “Йилнинг энг яхши бек офис ходими”, Фаррух Шодмонов “Йилнинг энг яхши мидл офис ходими”, Жобир Сафаров эса “Йилнинг энг яхши банк хизматлари офиси менеждери” дея эътироф этилди. Мунира Очилова ўз ишининг устаси. Утган йили “Йилнинг энг яхши ВАШ ходими” сифатида номинация ғолиблигини қўлга киритди. Фаол ходимларимиз Бош банк ташаббуси билан Миср давлатига саёҳат қилиб, мароқли дам олиб қайтишди. Аъло кайфият, мароқли ҳордиқ уларнинг ишида ижобий натижа берапти.

АҲОЛИ БҲОЛАР ХИЗМАТИДАН МАМНУН

Бухоро шаҳрида 4 та ҳамда Ғиждувон туманида 1 та - Тўқимачи, Самоний, Дилқушо, Ёшлик ва Ғиждувон банк хизматлари офислари мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Улар соф фойда кўрсаткичини ортиғи билан бажариб келяпти.

Биргина Ғиждувон БХОнинг катта микрокредит портфели ва соф фойдага эгаллиги ўз категориясидаги банк хизматлари офислари ўртасида ҳар чоракда 1-2- ўринларни қўлдан бермаяпти. Тўқимачи БХО эса микрокредит портфели, соф фойдани ошириш ҳамда барча турдаги банк амалиётларини биринчилардан бўлиб (БХОлар ўртасида) татбиқ қилиши билан илғорлар сафига қўшилди.

“ОМАДЛИ БАНКИРЛАР”

Айни пайтда филиалда фаол, замон билан ҳамнафас, ташаббускор ва ғайратшижоатли ёшлар жамланган. Ҳар қандай тадбир улар билан завқли, шуқуҳли. Қувноқ йигитлар шижоати билан филиаллар ўртасида ўтказиладиган футбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва бошқа спорт мусобақаларида фаолмиз. Стол тенниси бўйича спорт устаси Абдурахмон Алиев

узоқ йиллардан бунён банкимизда ишлаши биз учун фахр. “Қувноқлар ва зукколар” беллашувида ҳам “Омадли банкирлар” жамоамиз фаол қатнашиб келмоқда. Сухроб Юнусов, Сардор Сайфуллаев, Хондамир Иноятлов, Азамат Амонов, Аваз Аминов, Илхомжон Абдуллаевлар жамоанинг умидли ёшларидан.

Саҳифани Н. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.



нинг октябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб тажрибали, банк соҳасини пухта ўзлаштирган Фазлиддин Самадов раҳбар этиб тайинланди. Ўша кезларда 18 нафардан иборат ходим филиал ривожини учун астойдил ишга киришди.

Биринчи раҳбарнинг ўзига хос ишлаш услуби бор эди. Кимни нимага қодирлиги ва салоҳиятига қараб вазифа юкларди. Чунки вақтни бесамар кетмаслигини истарди. Масъулиятли, иқтидорли ва изланувчан ходимларни тез илғаб оладиган зийрак раҳбар бўлган. Биланлари ва тажрибасини улар билан баҳам кўрар, соҳа сир-асрорларини ўргатишдан чарчамасди. Теран фикрли, самимий ва хушчақчақлиги билан ҳамкасблари хурматини қозонади. Ҳар ишда биринчи навбатда ўзи ўрнат қўлади.

ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Филиал кадрлар салоҳиятини ошириш борасида ўз мактабига эга. Хусусан, бош банкка раҳбар ходимлар етказиб бериш бўйича ҳам етакчи. Ҳозирда бошқарув раисининг 2 та ўринбосари — Саиджон Шамсиддинов ҳамда Алишер Мухтаровлар Бухорои шариф фарзандлари. Улар жамоамизнинг фахри, ғурури ҳисобланади. Ишлаган даврларида филиал ривожини учун катта ҳисса қўшишган. Айни вақтда жамоада Мурот Казоков, Фирдавс Собир



корхонаси раиси, Шухрат Шеров “Charos sher omad” МЧЖ раҳбари ва Миршод Шарапов “Cool-shop” МЧЖ таъсисчилари -доимий ҳамкоримиз. ВИП мижозимиз бўлган “Bahor chance textile”, “Siyanie vostoka”, “Zolotaya derevo”, “Road star trans” масъулияти чекланган жамиятлари садоқат рамзи сифатида алоҳида хурматга эга.

“Bahor chance textile” пахтачилик кластери ва “Mebel progress servis” МЧЖ каби йирик мебель ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар туфайли кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Аҳолига кредитлар, банк кафолатлари бериш, омонатлар, депозит ячейка, халқаро пул ўтказмалари каби молиявий хизматлар кўрсатиш асносида бандлиги таъминланяпти, мижозларнинг банкка бўлган ишончини оширишга эришиляпти.

“Bahor hamkorlik ittifoqi” кор-



муваффақиятлари амалдаги йил учун дебоҳа бўлди. 6 нафар ходимимиз Бош банк эътирофига лойиқ топилди.

Бобир Шаббаев иқтидорли ёшлардан. У “Йилнинг энг яхши корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи”, ташаббускор Анвар Иззатов эса мижоз жалб қилиш бўйича “Йилнинг энг яхши ходими” номинацияси ғолиби бўлди. Мурот Казо-



табиийлигида. Ҳозирда қандолат маҳсулотлари асосан турли кремлар, сунъий қоришма ва кимёвий моддалар қўшилган ҳолда тайёрланади. Аммо улардан фарқли равишда "Браво" табиий тоза маҳсулотлардан фойдаланади. Бунга муаллиф ва истеъмолчи сифатида шах-

аҳолининг саломатлиги ҳақида қайғурди.

Тортлар ва ширинликлар истеъмолчиларга янги ҳолда етказиб берилади. Икки кундан сўнг қолиб кетган маҳсулот сотувдан олиб ташланади. Тоза қаймоқдан тайёрланган ширинликларнинг бозори чаққон. 30 киши фаолият юритаётган корхонанинг ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 500 миллион сўмни ташкил этади. Қўрғонтепа шаҳрининг ўзида 4 та савдо нуқтаси фаолият юритиб, кунига 200 дона торт сотилади. Маҳсулотлардан эса истеъмолчилар миннатдор. Совға сифатида қаергадир кўтариб борсангиз ҳам сира уялтирмайди.

"Hamkorbank"нинг Қўрғонтепа филиали билан 2016 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган ва табиийликка қатъий риоя этаётган ҳалол ва виждонли ишлаб чиқарувчилар янги лойиҳалар устида ишламоқда.

Н. ТҲТАМАТОВА.

Бугун молия бозорида талаб катта. Мижозлар учун танлаш имконияти мавжуд. Шу сабаб ҳар бир банк муассасаси сифатли, қулай ва тезкор хизмат кўрсатишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган.

СОФ ФОЙДА 287 ФОИЗ

Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган банк хизматлари офисимиз ҳам бу борада изланишда. Кўрсаткичларимиз ўтган йилдагига нисбатан анча юқори. Мижозлар сони 700 тага етди. Шундан 80 таси юридик мақомга эга ҳамкорлар.

Кичик жамоамизда изланувчан ва иқтидорли 12 нафар ходим ишлайди. Ҳар куни 200-250 нафар жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатамиз. Улар орасида фаол мижозларимиз бўлган "Metal Cite Trade", "Solcindroad product", "Polimer Group Aziya", "Kukmara" масъулияти чекланган жамиятлари каби йирик корхона ва ташкилотлар бор. Рақобат тизимида уларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришга интиляпмиз.

Амалдаги йил учун белгиланган режаларни ортиги билан барвақт бажариш ҳаракатидамиз. Тўққиз ойлик яқунлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришдик. Жумладан, ҳисоб касса хизматидан олинган даромадимиз 176 фоизга етди. Пул ўтказмаларидан 545 фоиз, юридик шахслардан жалб қилинган ресурслар режаси 224 фоизга бажарилди. Соф фойда 287 фоизни ташкил этди.

Ютуқларимиз мижозлар билан. Шу сабаб уларга доим эътибордамыз. Янги мижозларни жалб этиш, хизмат сифатини ошириш ҳар бир ходим олдига қўйилган асосий шарт. Бу ўз-ўзидан янги марраларга бошламаса...

Шароф АЗИМОВ,

"Hamkorbank" АТБ Пойтахт БХО бошлиғи.

— Туғилган кунга торт керак, қаердан олсам экан?

— "Браво" тортларини олиш, қолаверса, мазали.

Бугун аксарият қўрғонтепалар торт борасида бир-бирига мана шундай маслаҳат беради. Аҳолини сифатли ширинликлар билан таъминлаётган мазкур корхона 2008 йилда "Ягона шарқ замини" номи билан ташкил топган. 2020 йилдан "Браво сюрприз олами" сифатида фаолиятини давом эттира бошлади.

Ифтихор Жўраев раҳбарлик қилаётган корхонанинг асосий фаолияти қандолат

"БРАВО"ГА ФАҚАТ



маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, бозорга 10 дан ортиқ турдаги ширинликлар тақдим этмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисмини тортлар ташкил этади. "Браво" торт ва ширинликларининг энг муҳим ютуғи

сан ўзим гувоҳман. Табиий усулга қараганда даврдан кейин ўтилди. Чунки бу пайтда кўпчилик соғлигини ўйлаб, кремли маҳсулотлардан воз кечди. Корхона шу ҳолатни ҳисобга олиб, ўз манфаати ва фойдасидан кўра кўпроқ



Банк муассасасига кредит олиш истагиди келган қарз олувчи билан қарз берувчи ўртасида икки томонлама шартнома тузилади. Мижоз банк томонидан қўйиладиган қонуний талабларга рози бўлиши аниқ.

Унинг учун бу вақтда қандай бўлмасин пулга эга бўлиш асосий масала. Амалдаги қонунчилик асосида иш тартибли кетса ҳаммаси жойида. Бироқ шундай ҳолатлар бўладики, вақт ўтиши билан айримлар пулни қайтариш ўрнига турли баҳоналар ўйлаб топади. Натижада ўртадаги шартнома бузилиб, иш судгача бориб етади.

"Hamkorbank" АТБнинг Асака филиалига яқка тартибдаги тадбиркор М.У. молиявий кўмак сўраб келганида банк ходимлари уни ҳурмат билан кутиб олганди. Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, молиявий кўмак бериш вазифамиз, дея 2021 йил 3 мартда икки томон ўртасида шартнома имзоланди ва унга асосан М.У. га 180 миллион сўм

ШАРТНОМА АРТЛАРИ БУЗИЛГАНДА...

кредит маблағи ажратилди.

Бир қарашда ҳаммаси жойида эди...

Қонун барчага баробар. Буни унутган тадбиркор берилган қарзни ўз вақтида қайтаришни унутди чоғи. Натижада қарз берувчи бу масалада судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддасига

кўра, агар ушбу кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувида мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Ушбу кодекснинг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қайтариши шарт. Айни шу жойда қарз олувчи ўз масъулиятини унутган. Шу сабаб даъвогар — "Hamkorbank" АТБ Асака филиали кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредит қарздорлиқни ундириш ва ундиривни гаровдаги мулкка қаратиш

хабардор қилинишига қарамай, суд мажлисига келмади. Шу сабаб суд ишни сиртдан кўриб чиқишни лозим топди.

Жавобгар шартнома шартларида мувофиқ, йиллик 25 фоиз устама тўлаш шартин билан 36 ой муддатга 180 миллион сўм пул олган. Асосий қарз ва йиллик фоиз тўловларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов графигига асосан қоплаб бориши лозим бўлгани ҳолда тўловни амалга ошириш тартибини бузган. Натижада ҳал қилиш қарори қабул қилиниш кунига қадар 150 миллион 139 минг сўм қарздорлик юзага келган.

Очиқ сайёр суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларини қўллаб, даъвони қаноатлантиришга қарор қилди. Унга кўра икки тараф ўртасидаги шартнома бекор қилинди, қарздорлиқни ундирув жавобгарнинг гаровдаги мулкига қаратилди.

Савол туғилади: олишга келганда югурамыз, лекин қайтаришни нега пайсалга соламыз? Ахир банкдаги пуллар ҳам ҳисобли. Уни вақтида қайтариш билан наҳот иккинчи бир мижозга имконият яратиш ҳақида ўйламасақ?..

Рустамжон СУЛТОНОВ,

Қўрғонтепа туманлараро суди судьяси.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта бундан кўзланган мақсад шифокорларнинг ўз касбига бўлган меҳри ва малакасини ошириш баробарида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш.



ТИББИЁТ ХОДИМИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Шу ўринда бир оғриқли нуқтадан кўз юмиш қийин. Юқоридагиларга зид равишда айрим ҳолларда шифокорларга нотўғри муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Улар фаолиятига тўсқинлик қилиш, қўпол муносабатда бўлишликни қандай баҳолаш мумкин? Сўнги уч йилда Ўзбекистонда 290 га яқин ҳолатда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклдаги тажовузлар қилингани ачинарли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу муаммо муҳокамаларга сабаб бўлаётгани бежиз эмас. Соҳа ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилгани учун жавобгарлик белгилаш вақти келди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқиляётгани айни муддао. Янги киритилган 197-7-моддага кўра, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш — фуқароларга БХМнинг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий жазо қўллашга сабаб бўлади.

Яшириб нима қилдик: аҳолининг тиббий маданияти ҳали тўла шакланган дея айта олмаймиз. Айни шу оғриқ ҳам шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатда айрим ҳолларда кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Шу сабаб жамоатчилик билан кўпроқ ишлаш, ўртадаги муносабатни мустақамламоғимиз лозим. Токи фуқаролар тиббиёт ходимига чин маънода ўз саломатлигининг посбони сифатида қарасин.

Юқоридаги масалада жамоатчиликнинг масъулиятини ҳам ошириш зарур. Маҳаллий кенгаш депутатлари, МФЙ фаоллари ва жамоатчилик билан ишловчи институтлар аҳоли орасида тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим. Бу айни вақтда жамиятда соғлом ҳаётни яратишга ҳам хизмат қилади.

Хулоса шуки, қонунийликдаги ўзгариш бундан буён саломатлик посбонлари қонун ҳимоясида бўлишларини таъминлайди.

М. МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институтининг
ректори.

СУВ ҲАҚИДА СИЗ БИЛМАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

* Сув сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини қоплайди. Шу билан бирга, ушбу миқдорнинг атиги 3 фоизи чучук сув, яъни ичиш учун яроқлидир. Музликларда жойлашгани сабабли унинг кўп қисмини ишлаши мумкин эмас.

* Иссиқ сув совуқ сувга қараганда тезроқ музлайди. Тажрибалар буни экспериментал равишда исботлайди, лекин нима учун бундай бўлишини ҳатто олимлар ҳам аниқ билишмайди.

* Сув 42 даражага қадар музламаслиги мумкин. Зарарли аралашмаларсиз, жуда тоза сув суяқ ҳолда ушбу ҳароратгача совутилиши мумкин. Муз асосан сув таркибида бўлган ифослик зарралари атрофидагина шакллана бошлайди.

* Юрак саломатлиги учун етарли миқдорда сув зарур. Кузатишлар кўнига 6 стакан сув ичган одамларнинг юраги 2 стакан ичган одамларга қараганда соғлом бўлишини кўрсатди.

* Сувсизланиш тана вазнининг 2 фоизига тенг миқдорда сув йўқотганда юзага келади, тана вазнининг 10 фоизидан кўпроқ сувсизланиши ҳаёт учун хавфли. Танадаги сувнинг 12 фоизи йўқотилганда эса уни шифокорлар ёрдамисиз тиклаб бўлмайди.

* Инсон ўз ҳаёти давомида 35 тонна сув ичади. Сув тана учун кислороддан кейинги энг зарур модда ҳисобланади.


* Дунёдаги бир миллиард киши тоза сув ичиш имкониятига эга эмас. Ернинг ҳар олтинчи аҳолиси камда бир марта тўйиб сув ичишни орзу қилади. Бизда кранни очиш орқали сув олиш мумкин бўлган бир вақтда, ичимлик суви ҳашамат саналадиган минтақалар ҳам мавжуд.

* Бир йил давомида бир киши 60 тонна сувни фақат озиқ-овқат орқали истеъмол қилади. 1 килограмм картошкани етиштириш учун 100 литр, 1 килограмм гуруч олишда — 4000 литр, 1 килограмм мол гўшти учун — 13 000 литр сув сарфланади. Битта гамбургер ишлаб чиқариш учун 2400 литр сув керак бўлади.

Б. МУҲАММАДИЕВА тайёрлади.

Шекспирнинг деярли барча драмалари бизга босма нашри билан маълум, бирорта қўлёзма ёки қораламалари сақланиб қолмаган. Унинг биринчи пьеса ва йилномалари фақат ўлимидан кейин эълон қилинган.

1623 йилда Жон Хеминг ва Генре Кондел уни “Мистер Уильям Шекспирнинг комедия, йилнома ва трагедиялари” номи остида нашр қилишади. Улар Шекспирнинг трупасида ишлаган эди. Ушбу нашрда Шекспирнинг



ЖУМБОҚ ПОРТРЕТ

портрети бор. У узок йиллар драматургининг “ҳақиқий” ва ягона тасвири ҳисобланиб келинди. Бироқ, бу портретнинг турган битгани жумбоқ,

XX аср бошларида инглиз мода журна-ли портретда Шекспир камзули галати кўри-нишини маълум қилди - унинг ярми олдинги қисмдан, ярми эса орқа

Тўкилган барглар

10 ёшли набирам ҳовлимиздаги дарахтларнинг тўкилган баргларини норози кайфиятда йиғиштирар экан, жойида ёқиб юборишга мендан рухсат сўради. Афсус бу мумкин эмас, табиатга зиён етказасан, дея унга тушунтирдим. Агар барчамиз ҳовлимиздаги ёки жамоат жойларидаги тўкилган барглари ёқсак, оқибатда экология бузилишини айтдим.

Ҳар йил куз мавсумида дарахтлар ҳазонрезги даврида жуда кўп тўкилган барглари йиғилиб қолади. Бугун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асримизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Агар биз бу мавсумда атроф-муҳит тозалиги учун ўз муносабатимизни тўғриласак (ҳазон барглари ёқмасдан уларни кўмиб келаси йил учун табиий чиринди биогумус тайёрлашни йўлга қўйсак), ҳам ҳавони заҳардан асраймиз, ҳам ўсимликлар дунёсини келаси йил учун табиий чиринди - озиқа билан таминлашга эришамиз. Машиий чиқиндиларни йиғиб, уни қайта ишловчи корхоналарга тақдим этсак, оила бюджет, ватанимиз равнақи ҳамда атроф-муҳит учун ижобий ҳолатга эришамиз.

Дунёдаги ҳар бир нарсаси: сув, ер, ҳаво, ҳайвоноту наботот олами барчаси, Аллоҳ таолонинг аниқ ўлчо-ви асосида бир-бирига боғлиқ яратилган. Агар бу боғланиш бироз бўлсада бузилса, инсон учун ҳам, табиат учун ҳам катта муаммоларни келтириб чиқаради, ҳатто, табиат ва инсоният ҳалокатига ҳам бориб етади.

Бугун биз — катта ёшдагилар фарзандларимизга тарбия беришда айни шу масалага эътиборли бўлишимиз зарур. Зеро, табиатга бизнинг лоқайдлигимиз сабаб зиён етмасин.

Озодбек АЛИБЕКОВ,
Андижон

БУ ҚИЗИҚ

қисмдан иборат экан. Тадқиқотчилар ушбу ҳолатни ўрганишга киришдилар. Қарашса, портретдаги одамнинг икки қўли ҳам ўнг қўли бўлиб чиқди.

Баъзи шекспиршунослар портретдаги одам ниқоб кийганини таъкидлашади. Боши ҳаддан ташқари катта, бўйни ўта узун. Энг жумбоқли жойи шуки, камзул остида яна бир камзул кўри-нади. Юқоридаги тугма пастдаги камзулники.

Т. ШОМУРОДОВ
тайёрлади.

Уильям Делберт Ганн биржа дунёсининг буюк шахсларидан бири саналади. Унинг услублари ҳозирга қадар дунё савдо аҳли орасида қўлланиб келинмоқда.

Уильям Делберт Ганн

Ганн 1878 йилда АҚШнинг Техас штатида, кам таъминланган оилада туғилган. Ёш Вилли, гарчи келажакда бизнесмен бўлишни ният қилсада, бошланғич ва ўрта мактаб таълимини тўлиқ ололмади. 11 нафар фарзанднинг тўнғичи бўлгани боис оилага қарашли фермадаги асосий юмушлар унинг зиммасида эди. Қаттиқ ва тиришқоқлик билан меҳнат қилди ва бу кейинчалик унинг одатига айланиб қолди. Орадан кўп ўтмай брокерлик идорасида иш бошлаганда бу кўникма унга наф берди. Ишлаш баробарида кечалари бизнес мактабига қатнади. 1903 йилда Нью-Йоркка йўл олди ва товар ҳамда фонд биржаларида савдо-сотиқ ишларида қатнаша бошлади. Молия борасида иқтидорли йигит орадан олти йил ўтиб ўзининг хусусий брокерлик идорасини очишга эришди.

Бетақор салоҳияти ва молиявий таҳлил бора-бора ўзига хос услуби туфайли ёш Ганн биржа савдолари орқали 50 миллион доллардан ортиқ даромад олишнинг уйдасидан чиқди (Бугунги кун бозор қийматига солиштирганда бу маблағ 500 миллион

доллар атрофида бўлади!). Бир неча ўн йиллаб давом этган ақл бовар қилмас муваффақиятлардан сўнг у Майами ва Флоридада самарали фаолият олиб борди.

Ганннинг савдо усуллари "нарх"га эмас, "вақт"га асосланганлиги билан эътиборли. Унинг услуби шу қадар аниқ ва ишончли эдики, ҳатто асосий молиявий жамоатчилик вакиллари иштирокида савдоларда бунини кўп бор исботлаганди.

1933 йилда Ганн 479 та битимда қатнашади ва 422 таси даромад келтирди. Унинг капитали бўйича даромади деярли 4000 фоизга тенглашади. Эътиборлиси, у фан ва математик ҳисоб-китобларга асосланиб савдо-сотиқ жараёнидаги бўлғуси нархларни олдиндан аниқ айтиб берар ва аксари ҳолларда акция ва товарлар шу қийматда сотиларди.

Ганн фаолиятида доира, квадрат ва учбурчакка асосланган табиат қонунлари ва геометрик нисбатлардан фойдаланишга урғу берди. Айтиш жоизки, 70 йиллар аввали бўлгани каби ҳозирда ҳам фонд ва товар биржаларида бу услуб самара келтиряпти. Бир қарашда



Ганннинг услуби кўплаб савдо аҳли учун қандайдир ғалати ва ҳатто афсонавий туюлсада, ўтган юз йилликда қайта-қайта исботини топганлиги билан ҳайрат уйғотади.

Уильям Делберт Ганннинг бутун молиявий ва ҳаётий билими унинг куйидаги сўзларида ифодасини топган бўлса ажабмас. "Сўнгги ўн йил ичида бутун вақтимни ва эътиборимни чайқов бозорларга бағишладим. Бошқалар каби минглаб долларларни йўқотдим. Соҳанинг бошланғич тушунчасига ҳам эга бўлмасдан туриб бозорга кирган янги савдогар каби одатдаги кўтарилиш ва пасайишларни ҳис қилдим. Орадан кўп ўтмай бир нарсани тушундим. Барча омадли одамлар, хоҳ адвокат бўлсин, хоҳ врач ёки олим, мутахассисликлари ёки касби орқали пул топиш учун ўрганиш ва изланишларга йилларни сарфлашаркан".

Ҳ. ТОҲИРОВ
тайёрлади.

Кўнглим, қайда қолдинг?

Кимдандир кўнгил қолганидан кўра, кимдандир кўнглининг қолгани афзал.

Кўнглини қолдирадиган кимсалар кўп. Лекин, уни олиб қола билмайдиган одамларнинг камлиги энг катта фожиа бўлса, ажабмас...

...Мен эса кўнглимни қайда ва кимда қолдирганимни билалмай ҳалакман...

МЕН билган ҲАҚИҚАТЛАР



МЕҲР БУЛОҒИ

Бир-бирларидан меҳр аталмиш туйғуни қизғанмаган жуфтлик ҳеч қачон қаримайди. Ҳатто, уларнинг муҳаббати ҳам эскирмайди. Аксинча, кун, ой, йил сайин янгилашиб, яшариб бораверади.

Негаки, Меҳр шундай булоққи, унинг ҳар қатраси қалбнинг энг чуқур нуқталарини ҳам кун сайин ювиб, сайқаллаб туради...

Кўп халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам порахўрлик оиладан бошланар экан. Нега, дейсизми?

КОРРУПЦИЯ

Тасаввур қилинг: ёш болангиз йиғлапти... Унга нимадир – масалан, конфект ёки бирор яхши кўрган нарсасини қўлга тутқазсангиз, йиғидан тўхтайдилар. Агар бирор жойга кетаётганингизда, эргашса, нимадир олиб келишга ваъда бериб қутиласиз. Боғчага боришга унамаса, яна ўртага ё қанд ва ё музқаймоқ "тушарди"... Ёки, мактабда яхши ўқиши учун пул берасиз... Агар ўқув йилини аълога якунласа, велосипедга эга бўлади. Шу тариқа, давом этаверади. Биз эса бунини "Бола – пошшо," деган фикр билан хаспўшлаймиз...

Ё, нотўғрими? Демак, биз ўз фарзандимизни болагиданоқ ғирт кор-

рупционер қилиб тарбия-ляймиз экан-да!..

...Бугун телевизорда порахўрликни тугатиш бўйича кўрсатувни кўриб ўтирдим, неваган нарсасини қўлга дарҳол унинг қўлига конфект тутқазувди, йиғидан тўхтади.

Биргина шу воқеа менинг фикрларимни ўзгартириб юборди-я...

Илгари бу иллатни йўқотиб бўлмаслиги ҳақида гапиришса, қулиб қўяверардим. Бугун шу фикрга мен ҳам қўшилишга мажбур бўлдим.

Катта минбарлардан кўп айтилишига қарамай, порахўрлик йўқолмаётганини сабабини энди тушундим. Негакки, у оилада бошланганда!

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

СПОРТ

Футболчиларнинг трансфер қийматини баҳолашга ихтисослашган Transfermarkt портали дунёнинг энг қimmat футболчилари рейтингининг янгиланган версиясини эълон қилди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТ ФУТБОЛЧИЛАРИ

Унга кўра, Норвегия миллий жамоаси ва Англиянинг "Манчестер Сити" клубининг 22 ёшли ҳужумчиси Эрлинг Ҳоланд энг қimmat футболчи деб топилди. Унинг трансфер нархи 20 миллион еврога қimmatлашиб, 170 миллион еврога баҳоланган.

Шу пайтга қадар рўйхатнинг биринчи ўринни банд этиб турган Франция миллий жамоаси ва ПСЖ ҳужумчиси Килиан Мбаппе (160 миллион евро) иккинчи ўринга туш-



ди. Учинчи ўринни эгаллаган Бразилия миллий жамоаси ва "Реал" ярим ҳимоячиси Винисиус 120 миллион еврога нархланган.

Кучли бешликдан Англия миллий жамоаси ва "Манчестер Сити" ярим ҳимоячиси Фил Фоден (110 миллион евро), Испания миллий жамоаси ва "Барселона" ярим ҳимоячиси Педри (90 миллион евро) жой олган.

Ҳоланд давом этаётган мавсумида "Манчестер Сити" таркибиде 16 та ўйинда майдонга тушиб, 22 та гол урган, 3 та голли узатмани амалга оширган.

ТАБОБАТ

СОВУҚ СУВДА ЧЎМИЛИШНИНГ ЗАРАРИ

Беш хил киши совуқ сувда чўмилса, Ранжу кулфат кўриб, ортар ташвиши. Бири ичбуруғдир, бошқаси тумов, Яна чолу гўдак, қорни тўқ киши.



ТИЛЛАНИНГ ХОСИЯТИ

Тилладан оссалар бола бўйнига, Тутқаноқ дардига беради барҳам. Бир қийротин¹ эзиб ичганда бемор, Юрак дарди кетар, савдо дарди² ҳам.

¹ Қийрот - 0,19 г.

² Савдовий касаллик (меланхолия).

Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Ҳаравий (Бобурнинг хос табиби, XV - аср).



СУТДА ҚАЙНАТИЛГАН ХУРМО
Одамнинг ранг-рўйи мусоффо бўлар, Хурмо билан сугир сутин ичган кез. Ориқ бўлса агар семиз бўлади, Аччиқ нарсалардан айласа парҳез.



Маҳмуд ҲАСАНИЙ
таржимаси.

Ўзбекистон
бўйлаб

"Кўкалдош"
мадрасаси Шарқ
меъморлигининг
гузал намуна-
си, Тошкент-
нинг қадим
илм беши-
ги сифатида

жуда қадрлидир. Муҳаммад Солихўжа Тошқандий "Тарихи жадиди Тошқанд" китобида "Кўкалдош" мадрасасини Тошкент ҳокими Дарвешхон қурдирганини ёзади ва уни "Дарвешхон мадрасаси" деб ҳам атайдди. 1569–1570 йиллари ёзилган вақфномаларда мадраса айнан шу даврда битказилиб, ишга тушгани баён этилган.

Ривоят қилишларича, мадраса маёқ вазифасини ҳам бажарган. Савдо қарвонлари сайёҳлар, мусофирлар ҳаво булутли, қоронғу кечаларда "Кўкалдош"нинг чироқларига қараб, йўллари тўғрилиб олган.

Дастлаб қурилганида уч қават эди. Дарвозадан кираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхона жойлашган. Хужралар сони 38 та бўлган. Масжид ва дарсхонанинг, ўзаро кесишган равоқларнинг устида ички ва ташқи гумбазлар тикланган. Пештоқ сирқор парчин ва жилва нақшлар билан безатилган. 1830–1831 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг даврида дарсхона ва масжид ўнгидаги нураб, тўкила бошлаган зангори гумбазлари ва учинчи қаватнинг ёшларидан кўчириб олиниб, "Чорсу" бозорининг юқори қисмида барпо этилган, ҳозирги кунда бузилиб кетган Бегларбегининг мадрасасининг қурилишида ишлатилган.

Мадраса ва унинг ёнидаги "Хўжа Аҳрор Валий" жомеъ масжиди 1865 йилги чоризм босқинида қаттиқ шикастланиди. Вақт ўтиши билан ўзаро урушлар, кучли зилзилалар, бинолардан турли мақсадларда

фойдаланилиши, мадрасанинг дастлабки ҳақиқий гузаллигини, муҳташамлигини аста-секин емириб борган.

Мазкур кўҳна билим даргоҳида кўплаб олим уфузалар дарс берган, таҳсил олган. XVI асрда Тошкентда ишлаб турган "Хўжа Аҳрор Валий" жомеъи, "Бароқхон" ва "Кўкалдош" мадрасаларида замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хўжа Юсуф Қошғарий дарс берганлар. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳар гал Тошкентга келганида (1880–1890 й.й.) "Кўкалдош" мадрасасида истиқомат қилган. 1889–1891 йиллар Тошкентда яшаган машҳур шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат ҳам ушбу мадрасада таълим олган ва

иждо билан шуғулланган.


Мадрасада Ислом дини қонун-қоидалари, араб ва форс тили грамматикаси, адабиёт, одоб-ахлоқ, математика, геометрия, астрономия каби фанлар ўқитилган. Дарслар араб

ва форс тилларидаги китоблар бўйича ўтилган. Мадрасани битириб чиққан илм аҳллари араб, форс ва туркий тилларни мукаммал ўрганганлар, юзлаб ғазаллар, минглаб байтларни ёддан билганлар.

Ушбу мадраса 1999 йилга қадар "Кўкалдош мадраса масжиди" деб номланган. 1999 йил 18 августдан "Кўкалдош Тошкент ислом ўрта-маҳсус билим юрти" деб номланди. Ҳозирги кунда билим юртида Куръони карим, тафсир, ҳадис, сарф, наҳв, ақоид, мутлоаа каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жуғрофия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, информатика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади.

Ҳ. РАШИДОВ.

КУРРАИ
ЗАМИННИ
КЕЗГАНДА...



Бу галги бошқотирмамизни дунё мамлакатлари ва шаҳарларига бағишладик. Жуғрофий билимингизни синовдан ўтказишни истасангиз, қуйидаги саволларимизга жавоб топинг:

1. Меъморлар томонидан ўйлаб топи-
ган бу "гуллар" ҳар сафар одамлар унинг
остидан ўтганда очилади, ҳеч ким бўлмаса,
сўлиб қолади. Бу "гуллар" қайси шаҳарда
жойлашган?

OOOOOO

2. Жорий йил октябрь ҳолатига респу-
блика туман ва шаҳарлари орасида дои-
мий аҳолиси сони энг кўп бўлган ҳудудлар
бўйича етакчи шаҳар.

OOOOOOOO

3. Ушбу юртда кўпинча кириш эшиклари
қизил рангга бўялган. Бу, ўй эгалари тўлов-
ни тўлиқ тўлагани ва ушбу турар-жойнинг
ҳуқуқли эгасига айланганини аңглатарди.
Гап қайси мамлакат ҳақида кетяпти?

OOOOOOOOOO

4. XV аср Венеция космографи Фра-
Мауронинг 1459 йилги харитасида қайд
этилган юртимиздаги шаҳар.

OOOOOO

5. Бу шаҳарнинг грекларга тегишли
қисми бошқача, туркларга тегишли ҳудуди
эса бошқача номланади. Уларни топинг.

OOOOOOOO, OO



6. 1954 йилда бу шаҳарда каламушлар
кўпайиб кетган ва ҳукумат солиқ ўрнига
ўлган каламушларни ҳам қабул қилган. Бу
қайси шаҳар?

OOOOOOO

Тузувчи: А. ТУРҒУНОВ.

Ҳурматли билимдонлар, жавобла-
рингизни телеграм орқали қуйидаги
манзилга @javob_zakovatga юборишингиз
мумкин.

Саволларга тўғри жавоб йўллаган-
ларнинг номларини каналимиз ва газе-
та-таълим орқали эълон қиламиз. Ҳолиблар
тахририят томонидан қимматбаҳо
совғалар билан тақдирланади.



Жуда қизиқ маълумотлар

* Библия 2462 тилга таржи-
ма қилинган. Шу жумладан, "Стар
Трек" сериалидаги бошқа плане-
тадагилар тилига ҳам таржима
қилинган.

* Бразилияда шундай ўргимчак
борки, унинг қақиши, бир неча
соат давомида ўтмайдиған эрекци-
яни келтириб чиқариши мумкин.

* Анатидеафобия – сизни куза-

тиб юрвучи бир ўрдак борлиги
тўғрисидаги кўркув.

* Дамбо-Джет самолётида,
ўртача автомобиль, бутун Ер шарини
4 марта айланиб чиқиши учун
етарли ёқилғи бор.

* Статистикага кўра, агар
авиаҳалокат давомида, биринчи
90 сония ичида ваҳимага тушма-
сангиз, тирик қолсангиз керак.

* Бутун умри давомида, инсон,
стандарт 25 метрли бассейни
тўлдиришга етадиган тер ишлаб
чиқаради.

* Аксириш давомида, инсон
юраги бир неча сонияга тўхтаб
туради. Шунинг учун, соғ бўлинг!

* Сиз ичаётган сувни, сиздан
олдин кимдир, бир неча бор ичиб
бўлган.

* Ҳар қайси инсон организмда,
бошқа инсон ҳужайралардан кўра,
бактериялар кўпроқ бўлади. Биз-
нинг танамизда 1013 бактерия ва
атиғи 1012 ҳужайра бор.

* Энг кучли ва ноқонуний
наркотик — галлюциноген ДМТ
хисобланади, уни инсон организ-
мининг ўзи чиқаради, аникроғи
ғуддасимон без чиқаради. Олим-
ларнинг фикрича туш кўриш айнан
шу ички ДМТга боғлиқ.

HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Президенти
администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press"
тахририяти компьютерида
терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-1149 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобқ.

ISSN 2141-9734



Сотувда
келишилган
нархда.